

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ

¹**Аҳмедов Фарҳод Сайдалиевич,**

²**Рахимов Шербек Камолович**

Малака ошириш институти

Касбий тайёргарлик факультети Махсус фанлар цикли ўқитувчилари,
+ 99899 822-63-27, + 99899 798-59-70.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7569230>

Аннотация: Мазкур мақолада жиноятчиликка қарши курашишнинг профилактикаси, уларни барвақт олдини олиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш, «Хавфсиз шаҳар», «Хавфсиз хонадон», «Хавфсиз ҳовли» «Хавфсиз туризм» каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг инновацион ғояларини ўз ичига олган концепциялар ҳаётга татбиқ этиш, жиноятчиликка эмас, балки унинг сабабларига қарши курашиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олиш борасида амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар ёритилиб, фаолиятига таъллукли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: «Хавфсиз шаҳар», «Хавфсиз хонадон», «Хавфсиз ҳовли» «Хавфсиз туризм», ҳуқуқбузарлик, жиноятни олдини олиш, профилактика.

Бутун куч ва салоҳиятимизни ягона улуг мақсадимиз – Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратамиз.

Шавкат Мирзиёев

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ўтказилган ислохотлар натижасида жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда янги иш услублари татбиқ қилиниб, аҳоли ва жамоатчилик билан узвий мулоқот йўлга қўйилди, ушбу соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилди.

Жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик янада кучайтирилди. Олиб борилаётган кенг кўламли ишлар натижасида фуқароларда жиноятчиликка қарши курашишга ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга дахлдорлик ҳисси шаклланди.

«Хавфсиз шаҳар», «Хавфсиз хонадон», «Хавфсиз ҳовли» «Хавфсиз туризм» каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг инновацион ғояларини ўз ичига олган концепциялар ҳаётга татбиқ этилди. Энг асосийси, бу соҳа ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки уларнинг олдини олиш зарурлиги ҳақидаги ҳаётий таомил асосида ислох қилинмоқда. Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлашга масъул тузилма – Миллий гвардия ташкил этилди ва унинг ваколатлари белгиланди.

Ички ишлар, Давлат хавфсизлик хизмати, прокуратура органлари тубдан такомиллаштирилди, бу жараён изчил давом этмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик кучайтирилди, маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг жиноятчиликка қарши кураш борасида масъулияти оширилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги”га бағишланган йиғилишда “Менинг маҳалламда жиноят содир

бўлмаслиги керак”, деган туйғуни ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар онгида шакллантириш, бефарқлик, лоқайдликка барҳам бериш, пировардида, ҳар бир оила, таълим муассасаси, ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлашнинг муҳим шартидир”¹ дея таъкидлади.

Жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш борасидаги фаолиятда ечимини кутаётган хато ва камчиликлар ҳамда фойдаланилмаётган имкониятлар мавжуд.

Бугун жиноятчиликка эмас, балки унинг сабабларига қарши курашиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ички ишлар органлари ходимлари ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олиш борасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириши зарур;

биринчидан, ташкилот ва корхоналарда, маҳаллаларда, ўқув юртларида, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда жиноят содир этилишини олдини олиш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

иккинчидан, содир этилган жиноятларнинг асл омилларини аниқлаш;

учинчидан, ишсизларни тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ишга жойлаштириш чораларини кўриш;

тўринчидан, тунги вақтларда аҳоли яшаш пунктларининг ёритилиши ва видео кузатув қамровини кенгайтириш;

бешинчидан, алкоғолли ичимликка ружу қўйган, гиёҳванд, заҳарванд, тажовузкор руҳий касал шахсларни мажбурий даволаш бўйича ишларни самарали ташкил этиш;

олтинчидан, қотиллик аксарият ҳолларда оила ва оддий маиший муносабатлар замирида келиб чиқаётгани сабабли профилактика инспекторлари ҳамда инспектор психологлар билан биргаликда бириктирилган ҳудудида оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш;

еттинчидан, муқаддам судланган шахслар, маъмурий назоратга олинган шахслар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларни таъсирчан ўтказиш;

саккизинчидан, криминоген вазияти оғир ва аҳолиси кўп маҳаллаларга ҳуқуқий соҳада етарли билим ва тажрибага эга ходимларни профилактика инспектори лавозимига тайинлаш;

тўққизинчидан, тезкор-қидирув ходими ва профилактика инспекторларини бир ҳудудда беш йил муддатда хизмат олиб боришини таъминлаш ва уни бажарилишини назорат қилиш;

ўнинчидан, содир этилган жиноятларни фош этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

ўн биринчидан, маҳаллаларда, жамоат ва оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда, меҳмонхоналарда, бозорларда кенг омма тўпланадиган истироҳат боғларида, йирик спорт мажмуаларида хавфсизликни ва жамоат тартибини сақлаш борасида маҳаллий ҳокимият идоралари ва ички ишлар органлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

¹ Шавкат Мирзиёевнинг “Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги”га бағишланган йиғилишидаги нутқидан. 2021 йил ноябрь.

ўн иккинчидан, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш

ўн учинчидан, маҳалла фаоллари, жамоат ташкилотлари ва профилактика инспекторлари томонидан нотинч ва ноқобил оилаларни, ўз вақтида аниқлаш, уларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, оиладаги маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган ишларни тўғри йўлга қўйиш;

ўн тўртинчидан, содир бўлган ҳар бир жиноятни аввало, жиноят содир бўлган ва жиноят содир қилган шахснинг яшаш жойидаги маҳаллаларда кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда муҳокама қилиш;

ўн бешинчидан, бошқа ҳудуддан келиб жиноят содир этган фуқароларнинг қилмишлари ҳақида уларнинг яшаш жойларига хабар бериш амалиётини жорий этиш;

ўн олтинчидан, таълим муассасалари ўқувчиларининг дарс вақтида бозорлар, савдо марказлари, ҳиёбонлар ва кўнгилочиш жойларида бўлишини олдини олиш борасида мунтазам равишда тадбирлар ўтказиш;

ўн еттинчидан, оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация тармоқлари ва Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, шунингдек, ички ишлар органлари ходимларини обрўсизлантириш ҳолатларининг олдини олиш.

Ички ишлар органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

✓ фуқаролардан қонун ҳужжатларига риоя этишни, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни тугатишни талаб қилиш, бу талаблар бажарилмаган тақдирда эса мажбурлов чораларини қўллаш;

✓ ўз хизмат мажбуриятларини амалга ошириш чоғида фуқароларнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатларини текшириш, агар уларда қурол, ўқ-дорилар, портловчи, радиоактив ёки заҳарли моддалар, портлатиш қурилмалари, пиротехника буюмлари, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг прекурсорлари ёхуд муомалада бўлиши тақиқланган ёки чекланган бошқа нарсалар бор деб ҳисоблашга асослар мавжуд бўлганда эса, фуқароларни шахсий кўрикдан ўтказишни, уларнинг ашёларини, қўл юкини, багажини кўрикдан ўтказишни амалга ошириш ҳамда мазкур нарсалар, воситаларни ва моддаларни олиб юриш ҳамда сақлаш учун қонуний асослар мавжуд бўлмаган тақдирда уларни олиб қўйиш;

✓ агар терговга қадар ва тергов ҳаракатларини, тезкор-қидирув ва қидирув тадбирларини ўтказиш, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик, ҳодиса ҳолатларини ҳужжатлаштириш ёки жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик изларини, ҳодиса ҳолатларини сақлаб қолиш учун зарур бўлса, фуқаролардан жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни, ҳодиса жойини тарк этишни талаб қилиш;

✓ содир этилаётган жиноятларга чек қўйиш, шунингдек уларни содир этаётган шахсларни таъқиб қилиш ҳамда ушлаш учун, агар бунинг кечиктирилиши фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини, жамият ва давлат хавфсизлигини таҳдид остига қўйиши мумкин бўлса, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳудудига, турар жойларига ва бошқа биноларига, ер участкаларига, транспорт воситаларига сутканинг исталган вақтида тўсқинликсиз кириш (ошиб тушиш);

- ✓ фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш, уларни содир этган ёки қидирувда бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда ушлаш мақсадида фуқароларга тегишли бўлган турар жойларда ва бошқа биноларда, уларга қарашли ер участкаларида фуқароларнинг розилиги билан, ташкилотлар жойлашган ҳудудда ва биноларда уларнинг маъмурияти рухсати билан ёки мулкдорнинг розилиги билан бўлиш;
 - ✓ фуқароларни уларнинг розилиги билан ҳамкорликка жалб этиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органларига ёрдам берган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган фуқароларни тақдирлаш;
 - ✓ ҳуқуқбузарликларни, шунингдек уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида давлат органларига, бошқа ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга бажарилиши шарт бўлган тақдимномалар киритиш;
 - ✓ жиноятларнинг ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларни фош этиш мақсадида зарур маълумотлар базаларига эга бўлган ахборот тизимларини техник ва махсус воситалардан фойдаланган ҳолда яратиш;
 - ✓ маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушлаш ва ички ишлар органларига олиб бориш;
 - ✓ қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда транспорт воситаларини ва шахсларни ушлашни, кўрикдан ўтказишни амалга ошириш, шахсларни транспорт воситасини бошқаришдан четлаштириш, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни олиб қўйиш, шунингдек транспорт воситаларини сақлаб туриладиган жойга қўйиш учун олиб бориш;
 - ✓ паспорт режими қоидаларига, шунингдек бажарилиши устидан назорат қилиш ички ишлар органлари зиммасига юклатилган бошқа қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш амалга ошириладиганда фуқароларнинг турар жойларига ва бошқа биноларига уларнинг розилиги билан соат 6-00 дан соат 22-00 гача кириш;
 - ✓ жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни уларнинг организмида алкоголь, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар мавжудлигини аниқлаш учун текширишни амалга ошириш”².
- Хулоса ўрнида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла ҳамда бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик учун омил бўлаётган ишсизлик, гиёҳвандлик, қаровсизлик, оилавий низолар ва шу каби бошқа иллатларнинг вақтида олдини олиш чораларини кўриши зарур. Шунингдек, умумийликдан қочиши, бунинг учун ягона мақсад сари интилиб, ҳамкорликда фаолият олиб бориши, ҳар бир муаммога аниқ режа асосида ёндашиш лозим.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрь кундаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни.

² Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни. 2016 йил 16 сентябрь

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 10 ноябрь кунидаги “Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги”га бағишланган йиғилишидаги нутқи.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармони.
4. <http://mvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИБ);
5. <http://ipkmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИБ Малака ошириш институти);
6. <http://prezident.uz> (Ўзбекистон Республикаси Президенти сайти)